

Тарғибот тадбири ўтказилди



Ушбу тадбирларда Республикамиз миқёсида олиб борилаётган барча ислохотлар халқ манфаатларига хизмат қилиши, давлатимиз раҳбарининг мақсади кучли ижтимоий ҳимоя эканлигини таъкидлаш баробарида, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат Пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни ва қонуности ҳужжатларига муттасил киритиб борилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, 2021 йил 21 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 654-сонли Қарори талабларига мувофиқ, болалар нафақасини тайинлаш ва тўланиши борасидаги фуқароларнинг мурожаатларига ҳуқуқий тавсиялар ва қонуний йўл-йўриқлар кўрсатилди.